

## ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИДА МИЛЛИЙ ДИДНИНГ ЎЗИГА ХОСЛИГИ.

**Жумаев Абдилхалим Турдиевич**

**ЧДПУ Жисмоний маданият ва спорт кафедра катта ўқитувчиси**

**Бектурганов Юсуфхон Талаба**

**Аннотация.** Ушбу мақолада инсонларни миллий дид эстетика. Айнан таълимда жисмоний тарбия дарсларида. Миллий дид ҳам таълим жараёнини ташкил этишда ва миллий этнопсихологик хусусиятга эгадир.

**Таянч сўзлар:** Миллий дид "эстетикос" нафосат қиёфа. Миллий дид гўзаллик билан хунукликни фарқига боришдир.

Ҳар бир халқ, миллат ўзига хос миллий дидга эга бўлади. Миллий дид ҳам таълим жараёнини ташкил этишда ва миллий этнопсихологик хусусиятга эгадир. Миллий дид "эстетикос" сўздан олинган бўлиб, нафосат деган маъносини англатади. Миллий дид таълим олувчиларга нисбатан айтилганда, борлиқ оламни сезиш, ҳис қилиш, ҳиссий идрок қилиш қобилятидир.

Халқ яшаётган табиий шароитлар ва тарихий тараққиётидаги турли-туман ўзгаришлар идрок этишга таъсир кўрсатувчи манба бўлади. Бу манбалар миллат вакили онгида, идрокида, қиёфа (образ) шаклида гавдаланади. Чунки миллат вакили-шахс ўзининг сезгиси, идроки, тасавури, тушунчаси орқали ташқи дунёни қиёфа (образ) шаклида англайди.

Миллий дид ҳар бир халқ ва миллат вакилининг тарихий вужудга келган ва вужудга келаётган нафосатига унинг даражалари (категориялари) га муносабат билдириши баҳосидир. Миллий дид миллийликка хос хусусиятларни қамраган бўлиб, миллий психологик қиёфаси шаклида намоён бўлади ва ўз мазмун моҳиятига эга бўлади. Миллий дид халққа тегишли, миллатга хос халқ ҳаёти, турмуш тарзи, яшаш шароити билан мослашган, уйғунлашган бўлади. Миллий дид гўзаллик билан хунукликни фарқига боришдир. Миллат вакили диди борлиги учун бу гўзалликни табиатда, ижтимоий ҳаётда ва ўзи дунёга келтирган санъат асарларидан топади. Миллат вакиллари гўзал нарсаларни кўрганда, уларни тасаввур ёки ижод қилганда ёқимли ҳис-туйғу кечиради, завқланади, эҳтироси кучаяди.

Халқнинг яшаш тарзи, унинг кундалик ҳаётини эҳтиёжлари тарихий жиҳатдан гўзаллик тушунчасини вужудга келтиради. Шахс билан жамоа шахслараро муаммоларида ҳам маълум норма-мезонлар пайдо бўлади. Шунинг учун ҳам бир халқ вакили бошқа халқ орасига келиб қолганда, уларда мавжуд бўлган ўзаро муомала муносабатларини кўриб ҳайратланиши мумкин. Бу

## Sport o'yinlari (futbol, voleybol, basketbol, gandbol)ni rivojlantirish va mashg'ulotlarni takomillashtirishning dolzarb muammolari

муомала муносабат унга бошқача, эриш ҳолида туюлади, уни ажаблантиради. Бу ҳар бир халқнинг дидига, таъбига боғлиқлигида юз беради.

Фаолият жараёнида вужудга келадиган миллий дид миллатнинг ҳам моддий, ҳам маънавий эҳтиёжларида намоён бўлади. Кишиларнинг моддий эҳтиёжларини қондирилиши асосан ишлаб чиқаришнинг ривожланиш даражаси билан белгиланади. Шунинг билан табиий географик шарт-шароитларнинг хусусиятлари ҳам моддий истеъмол характериға таъсир кўрсатади. Ейиш ва ичишнинг қандай бўлиши шу халқнинг, хўжаликнинг қайси тури билан шуғулланишиға, кўп жиҳатдан уни ўраб олган ва ўраб турган наботот ва ҳайвонот оламиға ва фаолиятиға боғлиқ бўлади. Ҳар бир одам ўзи кўрмаган, билмаган ёки таъм-мазасини тотиб кўрмаган нарсаларға нисбатан эҳтиёж сезмайди. Шу нарсаларға оид таъб, дид ҳосил бўлмайди. Хўжалик юргизиш шаклларидаги ўзига хослик ҳам халқ таъбига таъсир кўрсатади. Шу жойға хос бўлган маълум маҳсулотларни узоқ асрлар давомида доимий истеъмол қилиниши, унга ўрганиш ва ўзига хос дидни вужудға келишиға сабаб бўлади.

Миллий диднинг ўзига хослиги миллат маънавий ҳаётининг кўп соҳаларида намоён бўлади. Айниқса, улар меъморчилик қурилишларида тасвирий санъат, мусиқада, рақсларда, адабиётда, миллий кийимларда ва уларнинг безакларида, аёлларнинг гўзаллигида ва ижтимоий ҳаётнинг бошқа соҳаларида ўз ифодасини топади. Миллий дидға тесқари, ёд нарса кўполлик, дағаллик, одобсизлик, бадийий ва миллий ғоясиз асар, хунук овоз билан ижро қилинган ашула, куруқ юзаки охангдорликни бузадиган мусиқа бунға сабаб бўлади.

Гўзаллик табиатда ва жамиятда объектив жиҳатдан мавжуд. Табиатнинг ўзи гўзал, турмушнинг ўзи гўзал. У объектив ва субъектив идрокнинг қабул қилишнинг умумлашмаси сифатида турли миллатлар томонидан ўзига хос равишда идрок этилган ва тасаввур қилинган. Шарқда шеърият сўз санъати даражасида кўтарилган ва ривожланган. Шунинг учун халқимиз шеъриятни-назмни севади. Унга маҳлиё. Ёзувчи, шоирлар билан бўлган учрашувлар талабчан, ўткир дидли бўлган кўплаб шеърият шайдоларини доимо ўзига жалб қилади.

Меҳнат фаолияти, яшаш шароити, иқтисодий таъминоти асосида вужудға келадиган миллий дид яшаган муҳит ва шароитларнинг ўзгариши билан маълум даражада ўзгаришларға учрайди. Чунки янгиланиш узоқ вақт кишилар истеъмолида бўлган у ёки бу таъблар халқ ҳаётида чуқур илдиз қолдирган

## Sport o'yinlari (futbol, voleybol, basketbol, gandbol)ni rivojlantirish va mashg'ulotlarni takomillashtirishning dolzarb muammolari

бўладики, уларнинг ўзгариши ёки йўқолиб кетиши, янги дид ва таъбларнинг шаклланиши учун ўн ва юз йиллар керак бўлади.

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан кейинги йиллар давомида мамлакатимиз ижтимоий ҳаётида содир бўлган иқтисодий, сиёсий ўзгаришлар натижасида мавжуд бўлган эҳтиёжларни қондириш билан боғлиқ бўлган соҳаларга хизмат қилади. Буларнинг ҳаммаси миллий дидга ўз таъсирини кўрсатади, албатта. "Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллари" рисоласида шундай ёзилган: "Адабиёт ва санъат" бу соҳада ижод аҳлининг ғоявий бадиий салоҳиятини комил инсон тарбиясига йўналтириш устивор йўналиш бўлиши даркор".

Ижодкорларни мураккаб ва шонли тарихимизнинг ёрқин саҳифаларини, орзу-умидларимизни акс эттирадиган адабиёт, кино, мусиқа ва тасвирий санъат асарлари яратишга ҳар томонлама рағбатлантириш. Ёшларга ибрат бўладиган баркамол инсонлар, замонавий қаҳрамонлар тимсолини яратиш.

Миллий ғояни тараннум этишга истиқлол мафқурасига зид ғояларнинг зарарли моҳиятини очиб беришга, айниқса, эътиборни кучайтириш зарур. Ҳаёт ва ижоддаги маҳдудлик ҳам фикр қашшоқлигига қарши курашиш, баҳс, мунозара, танқид ва таҳлиллар орқали мафқуравий муҳитнинг соғлом бўлишига эришиш.

Хуллас, халқ манфаатини ўйлаб, оқилона, виждонан ҳалол ишлаб одимлайверсак ҳуррият мустаҳкамланавериб, миллий дид ҳам раванк топавериб онгга ва қалбга зиё бағишлайверади.

### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Мирзиёев Ш. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз // Тошкент: Ўзбекистон. 2018. – Б. 7, 534.
2. Эстетика. Методик қулланма. Туленова К.Ж Тошкент-2012йил
3. \_\_\_\_\_ Jumayev \_\_\_\_\_ А.Т  
\_\_\_\_\_ Янги \_\_\_\_\_ давурда  
\_\_\_\_\_ спортнинг \_\_\_\_\_ ижтимоийлаштирув  
чи \_\_\_\_\_ мавқеи \_\_\_\_\_ 2020  
\_\_\_\_\_ 1-  
сон \_\_\_\_\_ Муғаллим \_\_\_\_\_ ҳем  
\_\_\_\_\_ узликсиз \_\_\_\_\_ билимлендириў.
4. Якубжонова, Ф. И., & қизи Асқарова, М. У. (2023, November). Взаимосвязи физической и технической подготовки волейболистов.

**Sport o‘yinlari (futbol, voleybol, basketbol, gandbol)ni rivojlantirish va mashg‘ulotlarni takomillashtirishning dolzarb muammolari**

In international scientific conference" Innovative trends in science, practice and education" (Vol. 2, No. 9, pp. 48-54).

5. .Sultonov, Usmon Ibragimovich. "METHOD OF CONTROLLING THE TRAINING PROCESS OF LONG-DISTANCE RUNNERS." Eurasian Journal of Academic Research 2.3 (2022): 132-137.

6. Usmonovich, A. U., Yakubjonova, F. I., & Mo‘ydinov, S. M. (2022, November). Jismoniy tarbiya o‘qituvchilarining pedagogik mahorati oshirish omillari. In International scientific and practical conference" the time of scientific progress" (Vol. 1, No. 3, pp. 56-61).

7. Akramjonovich, Y. I., & Ismailovna, Y. F. (2022). Pedagogical Conditions That Ensure The Successful Development Of Physical Fitness Of Modern Youth. Journal of Positive School Psychology, 6(10), 4495-4499.

8. Akramjonovich, Y. I. (2024). Zamonaviy basketbolda ikki qo‘lda ko‘krakdan to‘p uzatish texnikasini o‘rgatish uslubiyoti. International journal of science and technology, 837-840.

9. Tokhirzhonovich, Arabboev Kakhramon. "The effect of physical activity on the body of schoolchildren in physical education lessons." Galaxy International Interdisciplinary Research Journal 11.12 (2023): 112-115.

10. Tohirjonovich, Arabboyev Qahramon. "THE ROLE OF PHYSICAL CULTURE AND SPORTS IN STUDENT ACTIVITY AND LIFESTYLE." INTERNATIONAL JOURNAL OF SOCIAL SCIENCE & INTERDISCIPLINARY RESEARCH ISSN: 2277-3630 Impact factor: 7.429 12.09 (2023): 58-63.

11. Muratova, Gulnara Rashitovna. "PEDAGOGICAL TECHNOLOGY OF PHYSICAL EDUCATION FOR STUDENTS BASED ON THE POSSIBILITY OF AEROBICS." INTERNATIONAL SCIENTIFIC CONFERENCE" INNOVATIVE TRENDS IN SCIENCE, PRACTICE AND EDUCATION". Vol. 3. No. 1. 2024.

12. Tohirovich, Khamrakulov Tulkin, Sarukhanov Arsen Albertovich, and Shokirov Shukhrat Gayratovich. "New technologies increasing the healthy lifestyle of students in physical education." INTERNATIONAL JOURNAL OF SOCIAL SCIENCE & INTERDISCIPLINARY RESEARCH ISSN: 2277-3630 Impact factor: 7.429 11.11 (2022): 225-228.

13. Муйдинов, Иқболжон Абдухамидович, Тулкин Тохирович Хамракулов, and Ферузахон Исмоиловна Якубжонова. "СПОРТИВНОЕ-ОЗДОРОВИТЕЛЬНОЕ ВОСПИТАНИЕ СТУДЕНТОВ." INTERNATIONAL SCIENTIFIC CONFERENCE" INNOVATIVE TRENDS IN SCIENCE, PRACTICE AND EDUCATION". Vol. 1. No. 3. 2022.

Sport o'yinlari (futbol, voleybol, basketbol, gandbol)ni rivojlantirish  
va mashg'ulotlarni takomillashtirishning dolzarb muammolari

14.Mirxojidinovna, Xudoynazarova Gullola, Axmadjonov Abduraxmon, and Tolibjonov Sardorbek Ravshan o'gli. "PHYSICAL EDUCATION CLASSES AND THEIR TEACHING PRINSPI." Galaxy International Interdisciplinary Research Journal 11.5 (2023): 604-607.